



KENGASH YIG'ILISHINING MAJLIS BAYONI

К Ў Ч И Р М А

Тошкент ш.

№ 2020/08

2020 йил "28" февраль

Йиғилишга раислик қилди:

Т.Ишметов

Қатнашдилар:

Кенгаш Раиси ўринбосари

Ш. Вафаев

Кенгаш аъзолари:

У.Мухтаров

О.Юсупов

Т.Набиев

Р.Хамидов

Р.Калонхужаев

М.Якубов

Корпоратив маслаҳатчи

К.Алимов

Таклиф этилдилар:

Бошқарув Раиси

А.Воитов

Бошқарув аъзолари:

А.Эргашев, Я.Абдуроззоков,

З.Азимов, У.Таваккалов,

О.Вохидов, Б.Норхужаев

Таркибий бўлинмалар раҳбарлари

А.Холов, О.Сулаймонов,

Д.Абдукадиров

Йиғилишда 8 та Банк Кенгаши аъзоларидан 8 таси қатнашди ва кворум таъминланди.

Банк Кенгаши йиғилишининг кун тартиби:

1. Банкнинг Кредит бош директори Акбаржонов Азиз Акбаржон ўғлини "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ – Бошқарув аъзоси этиб тайинлаш тўғрисида;

Кун тартибидаги биринчи масала, бўйича Кенгаш аъзоларига Банк Бошқаруви Раиси ўринбосари З.Азимов тушунтириш бериб ўтди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг амалдаги устави ҳамда банк бошқаруви тўғрисидаги низомнинг 6-бандида Банк Бошқаруви аъзоларининг сони 9 (тўққиз) кишигача бўлган тоқ сондан иборат миқдорда бўлиши кўрсатилган.

Бугунги кунда, Банк Бошқарув аъзолари сони 8 (саккиз) нафарни ташкил қилиб, жуфт сондан иборат бўлиб қолмоқда.

“Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги низом (рўйхат рақами: 943, 2000 йил 5 июль) талабларига кўра бошқарув таркибига банк раиси, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер ва юридик хизмат раҳбари, шунингдек Бошқарув таркибига банкнинг асосий бўлинмалари раҳбарлари киритилиши шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” Қонуннинг 75-моддасида жамиятнинг бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, жамият уставига кўра бундай ҳуқуқ жамият кузатуви кенгашига берилган бўлса, Кузатуви кенгашининг ваколатига кириши белгиланган.

Банкнинг амалдаги уставининг 46.3-бандига кўра, банк Бошқарувини тузиш, Бошқарув Раиси ва аъзоларини тайинлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш Банк Кенгаши ваколатига киритилган.

Мазкур масала бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2020 йил 29 январдаги 21-16/47-сонли хати орқали келишилган.

Банк Бошқаруви томонидан Кенгаш муҳокамасига чиқарилган Банкнинг Кредит бош директори А.Ақбаржоновни Банк Бошқаруви аъзолари таркибига киритиш тўғрисидаги мурожатига розилик бериш таклифи овозга кўйилди.

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Банкнинг Кредит бош директори Ақбаржонов Азиз Ақбаржон ўғли “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқарув аъзоси этиб тайинлансин ва Банк Бошқаруви белгиланган тартибда тегишли хужжатларни расмийлаштирайсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 8 овоз

“ёқлайман” – 8 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

Корпоратив маслаҳатчи

К.Алимов

Котиб

Д.Абдукадиров